

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ ЗИЁРАТГОҲЛАРИНИНГ МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИ МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ

Ақчаев Фаррух Шавкатович *Жиззах ДПИ Тарих ўқитиш методикаси
кафедраси катта ўқитувчиси*
akchayev_1984@inbox.ru

Annotatsiya

Ушбу мақолада Жиззах воҳаси зиёратгоҳларининг маҳаллий аҳоли маънавий ҳаётида тутган ўрни, кишиларнинг муқаддас қадамжоларига ташриф буюриб ўтказадиган маросимларидан кўзланган мақсад-мудаолари ҳамда зиёратгоҳларнинг аҳоли ижтимоий ҳаётида бажарадиган вазифалари ҳақидаги фикрлар баён этилган.

Калит сўз: Жиззах воҳаси, тарихий-этнографик минтақа, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар, соғлиқни тиклаш, маънавий ва руҳан таскин топиш, ҳомий руҳлар ва аждодлар удумини давом эттириш, келажакка умид қилиш, коммуникатив, бирлаштрувчи ва руҳий-психологик таскин берувчи вазифа.

Аннотация

В данной статье описывается роль святынь Джизакского оазиса в духовной жизни местного населения, цели проведения обрядов посещения святых святынь, а также роль святынь в общественной жизни населения.

Ключевые слова: Джизакский оазис, историко-этнографический регион, святыни и святыни, восстановление здоровья, духовный и духовный комфорт, продолжение патриархального духа и исконных традиций, надежда на будущее, коммуникативная, объединяющая и психопсихологическая задача.

Annotation

This article describes the role of shrines of the Jizzakh oasis in the spiritual life of the local population, the purpose of the ceremonies of visiting the holy shrines, as well as the role of shrines in the social life of the population.

Keywords: Jizzakh oasis, historical and ethnographic region, sacred places and shrines, restoration of health, spiritual and spiritual comfort, continuation of patriarchal spirits and ancestral traditions, hope for the future, communicative, unifying and psycho-psychological task.

Мустақиллик йилларида ўзбек халқи анънавий моддий ва маънавий маданиятининг бир бўлаги ҳисобланган ўтмиш ёдгорликлари, яъни зиёратгоҳларини қайта тикланиши ҳамда соҳани янада такомиллаштиришнинг янги босқичига кўтарилиши, ушбу маданий мерос объектларининг бугунги кунда мамлакат ривожига ва аҳоли турмуш тарзида ўрни муҳим эканлигини кўрсатмоқда.

Муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар ўзбек халқининг маънавий дунёқарашида алоҳида қийматга эга бўлган объектдир. Умуман олганда, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар маҳаллий аҳолининг азалий орзу-умидлари, истаклари ва урф-одатларини ўзида мужассамлаштирган ғоялар мажмуаси сифатида асрлар оша халқни эзгулик сари чорлаб келган, уларнинг маънавий қарашларини шакллантирган. Халқнинг руҳий эҳтиёжини қондириш ва диний нуқтаи-назардан таскин топиш йўлида турли қадамжо ва зиёратгоҳларга ташриф буюради ҳамда у ерда турли маросимларни бажариб, бу борадаги зиммасига тушган вазифаларни бажарганлик ҳиссини ўзида шакллантиради.

Зиёрат қилиш одати нафақат муқаддас жойларга нисбатан, балки ота-она ва барча қариндош-уруғлар, аждодлар руҳига боқий ором топган қабристонларга бориб, дуои-фотиҳа қилиш, қариялар, касалманд кишиларнинг холидан хабар олиш ҳам зиёрат қилиш саналади. Диний уламолар фикрига кўра, зиёрат эркаклар учун мустаҳаб амаллардан бири ҳисобланган. Аёллар учун фақатгина Муҳаммад пайғамбарнинг қабрини зиёрат қилишга махсус рухсат берилган.

Айрим манбаларда эса аёллар учун ҳам қабр зиёратининг зарари йўқ, фақат бунда фитнадан холи бўлиш, ислом ахлоқи ва интизомига, зиёрат

одобига риоя қилиш шарт деб кўрсатилган¹. Исломунос Б. Бобожоновнинг таъкидлашича зиёрат амалиёти исломда илк даврларда таъқиқланган ва кейин пайдо бўлган². У мусулмончиликда урф–одатларининг келиб чиқиши ва ривожланиши билан боғланган. Ибтидоий исломга қарама–қарши бўлган бу одат маҳаллий эътиқод шакллари таъсирида пайдо бўлган”³.

Зиёратгоҳлар инсонни қадим аждодлари олдидаги бурчи ҳиссини англаш, ўтганлар ёдини эсга олиш, ўзи ёки яқинларида кузатиладиган касалликларга даво излаш ҳамда айрим диний амалларни бажариш йўлида муҳим восита ҳисобланади. Шу боис, Муҳаммад (САВ)дан ривоят қилинган ҳадисларидан бирида: “Мен сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарар эдим, кейин фикримга келди, огоҳ бўлинглар ва қабрларни зиёрат қилинглари, чунки зиёрат қилмоқ қалбларни юмшатади, кўзларни ёшлантиради, охиратни эслатади”⁴, дейилган. Зеро, муқаддас жойларни зиёрат қилиш одамларни ёмон йўллардан узоқ юришга инсофли-диёнатли бўлишга, ўзидан фақат яхшилик қолдириш сингари ҳайрли ишларга ундаб келган. Қадамжоларнинг инсон ҳаётида тутган ўрнини таҳлил қилиш асносида айтиш мумкинки, зиёратгоҳларнинг инсон турмуш тарзидаги ўрни икки кўринишда, маънавий ва жисмоний ҳолатда юзага келади ва зиёрат қилиш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади, яъни:

- соғлиқни тиклаш мақсадида;
- маънавий ва руҳан таскин топиш мақсадида;
- ҳомий руҳлар ва аждодлар удумини давом эттириш мақсадида;
- келажакка умид қилиш (фарзанд кўриш, мушкулларни енгиллатиш, бошлаган янги ишни хайрли бўлишини сўраш, ёшлар орасида эса ўқишга кириш ва х.к.)

Воҳанинг Жиззах шаҳри, Бахмал, Фориш, Зомин, Янгибод, Шароф Рашидов ва Ғаллаорол туманларида ўтказилган этносоциологик тадқиқотлар

¹Мирзо Аҳмад Хушназар. Қабристон зиёрати одоби.–Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. – Б.9.

²Бобожонов Б. «Новшество (бид‘ат) — худшее из заблуждений»? Фетишизация ритуальной практики глазами кокандских авторов XIX в. – Москва: Pax Islamica 1(4). – 2010. – С. 26.

³Огудин В.Л. Страна Фергана (эколого-религиведческое исследование). – Москва: Центрстратегических и политических исследований, 2002. – С. 80.

⁴Ислом энциклопедия. — Тошкент: ЎзМЭ, 2004. — Б. 93.

давомида зиёратгоҳларнинг аҳоли ижтимоий ҳаётидаги асосий функцияси маънавий эҳтиёжни қондириш ва саломатлик билан боғлиқ мушуқуларни енгиллатиш воситаси эканлиги аниқланди. Жиззах воҳасига доир зиёратгоҳларнинг аксарияти аҳоли орасида мушуқуларни осон қилиш каби мўжизаларга эга эканлиги билан характерли. Бу ҳолат қадамжолардаги шифобахш булоқлар ва улардаги балиқлар, мужизакор ғорлар, тошлар, дарахтлар мисолида кўринади. Қадамжоларда бажариладиган маросимлар ҳам у ерда жойлашган ва муқаддаслаштирилган объекларга алоҳида муносабат кўринишида намоён бўлади.

Воҳа аҳолиси зиёратгоҳларга мавжуд маросимларни бажариш учун ташрифини қуйидаги уч кўринишда таснифлаш мумкин:

1) оила аъзолари ёки сулолаларнинг анъанавий йил давомида амалга оширадиган зиёратлари;

2) аҳолининг турли қатламлари томонидан, айрим расм-русумларни бажариш учун, муқаддас нарсалардан нажот истаб амалга оширадиган зиёратлар;

3) маълум бир сабаб туфайли аҳолининг турли этник қатламлари ва жамоалари томонидан уюштириладиган зиёратлар.

Зиёратгоҳлар аҳолининг кундалик турмуши ва ижтимоий ҳаётида инсонларни руҳий мувозанатини сақлаш ва келажакка умид ўйғотиш каби вазифаларни бажаради. Зиёратгоҳлар жамиятда инсонни ниятларини амалга оширувчи восита ёки амалга ошган ниятларида мадад берувчи куч сифатида қаралса, иккинчи томондан аждодлар билан кўринмас ришта вазифасини ҳам бажаради⁵. Умуман олган зиёратгоҳларнинг аҳоли ижтимоий ҳаётида тутган ўрни қуйидагича:

- Коммуникатив вазифа;
- Бирлаштрувчи вазифа;
- Руҳий-психологик таскин берувчи вазифа.

⁵Дала ёзувлари.Жиззах вилояти зиёратгоҳлари. 2014-2018 йиллар.

Коммуникатив вазифа. Коммуникатив жараён - (лот. Communicatio, communicare - умумий қилмоқ, боғламоқ)⁶ муқаддас қадамжоларда турли тоифадаги инсонларни бирлаштирувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Зиёратгоҳларнинг коммуникатив вазифасини шартли равишда иккига ажратиш мумкин: биринчиси, зиёратчиларнинг ўз аждодлари ёки вафот этган яқинлари билан руҳий яқинлик, кўнглида мистик боғланишни ҳис қилиш. Яъни, коммуникация зиёратчиларнинг ўзини насаб жиҳатдан ўтганлар руҳи билан боғлиқ удумларни амалга ошириши, уларни ёд этиш ва қилган амалларини хотира сифатида эслаш асосида юзага келади.

Иккинчи томондан, зиёратчиларнинг ўзаро бир-бири билан алоқаси. Яъни, муқаддас қадамжолар зиёрат маскани бўлиш билан бирга, баъзида маҳаллий аҳолининг ўзаро алоқа қилувчи, бир-бирлари билан ўзаро муносабат ўрнатувчи жой ҳам ҳисобланган. Зиёрат турларига эътибор қаратсак, маҳалланинг жамоа бўлиб ёки яқин қариндошларнинг ўзаро уюшган зиёрат тури ҳам мавжуд. Зиёрат баҳона қариндошларнинг йиғилиши, бир дастурхон атрофида бирлашиши ҳамда ўзаро самимий муносабатлар нафақат катталар ўртасида қавм-қариндошлик ришталарини мустаҳкамлашга, шунингдек, ёш авлод тарбиясида ҳам муҳим ўрин тутаяди. Зиёрат жараёнида бир шахс ёки оила бошига тушган турли ташвиш ва муаммоларнинг биргаликда, ҳамкорликда бартараф этиш жараёни ҳам зиёратгоҳларнинг коммуникатив вазифасини жамиятдаги мавқеини белгилаб беради.

Бирлаштирувчи вазифаси. Зиёратгоҳларнинг навбатдаги функцияси жамият аъзоларини маълум мақсад ёки истак йўлида бирлаштиришидир. Жумладан, зиёратгоҳларда ўтказиладиган мавсумий байрамлар (Наврўз, Йил боши, Ҳосил), сайиллар (Ийди Рамазон ва Ийди Қурбон), маросимлар (чилла, мушкулкушод, мавлуд, ақиқа, кокил қўйиш ва олиш, қурбонлик қилиш, пода қўйиш) кишиларни маълум ғоя остида бирлаштиради ва биргаликда ташкил

⁶Коммуникатив-ўзаро фикр алмашув, алоқа / Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2006.– Б. 395.

этиладиган маросимларнинг ғайритабиий кучига ишонч юзага келади. Ахборотчиларнинг фикрича, зиёратгоҳларда аҳолининг бирлашиб ўтказадиган маросимлари турли қизиқ воқеалар, жараёнларга бой ўтади ва халқ орасида узоқ вақт хотирада сақланиб қолади⁷. Иккинчи томондан халқнинг бирикуви натижасида қадимий урф-одат ва анъаналар турли даврлардан бери авлоддан-авлодга ўтиб яшаб келмоқда. Демак, зиёратгоҳларнинг бирлаштирувчи функцияси жамият ҳаётида умумий истак ва хоҳиш туйғуларини шакллантириш, миллий анъаналарни сақлаш ва бардавомлигини таъминлаш ҳамда кишилар ўртасида жамоавий ва маросимий этикет маданиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Руҳий-психологик таскин вазифаси. Зиёрат одатига кўра зиёратчилар доимо муқаддас даргоҳларга ўзгача тавозе билан муносабатда бўлишган. Зиёрат жараёнида маҳаллий аҳоли ўзларини қийнаётган саволларга жавоб топган ва маълум бир вақт дунё ғам - ташвишларидан озод бўлиб, руҳи энгил тортган. Ахборотчиларнинг фикрига кўра, зиёрат баъзи мушкулларни енгиб ўтиш ва касалликларни бартараф этиш мақсадида амалга оширилса, бошқа томондан шахснинг руҳий энгиллик излаш ва аждодлар хотираси олдидаги маъсулият бурчи каби омиллар асосида кечади⁸. Зиёрат амаллари бажарилгандан сўнг маросим вакиллари кўнглида энгиллик юзага келиши ёки айрим хасталикларни бартараф этишда-шу қадамжони зиёрат қилсам фойдаси тегар деган илинжнинг руёбга чиқиши- зиёратгоҳ тушунчасини талқин қилишда кишилар учун зарур бўлган руҳий таскин функциясини юзага келтирган.

Муқаддас жойларни зиёрат қилиш кишиларнинг хулқ атвори, маданиятини юксак савияда бўлишида муқаддас зиёратгоҳлар ва уларни зиёрат қилиши этикети, яъни одоб-ахлоқ меъёрлари бўлиб хизмат қилган. Муқаддас жойларни зиёрат қилиш одамларни ёмон йўллардан узоқ юришга, инсофли-диёнатли бўлишга, ўзидан фақат яхши ном қолдириш сингари

⁷Дала ёзувлари. Зомин тумани Хўжаи Сероб ота, Фориш тумани Хўжа Боғбон ота, Бахмал тумани Новка ота ва Теракли ота зиёратгоҳлари. 2014-2017 йиллар.

⁸Дала ёзувлари. Жиззах вилояти зиёратгоҳлари. 2014-2018 йиллар.

хайрли ишларга ундаб келган. Уларда тарбия, одоб-ахлоқ, ўзаро дўстона муносабатлар, қариндош, ота-она ва фарзандларининг ҳақ-ҳуқуқлари, меҳр-оқибат, ҳалоллик, адолат сингари инсоний қадриятлар улуғланган.

Аслида зиёратгоҳлар ва улар билан боғлиқ қарашлар муайян халқнинг турмуш тарзига, кишиларнинг маънавий оламига, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига боғлиқдир. Инсоният босиб ўтган тарихий тараққиёт тажрибасидан бизга яхши маълумки, қайси давлат, қайси миллат ўз маданий меросини қадрласа, эъзозласа, ўзида мавжуд бўлган миллий-маънавий анъаналари, тарихий обидалари, архитектура ёдгорликларини ардоқлашга, ўша моддий-маънавий бойликларни яратган аждодларга нисбатан ҳурмат руҳини шакллантира олса, ўша давлат, ўша жамиятда барқарорлик ҳукм сурган. Шундай экан, қадим Уструшона давлатининг “Дизак” (Жиззах), “Харакана” (Янгиқўрғон, Ғаллаорол), “Замин” (Зомин), “Сабат” (Сават) каби рустак ва марказий шаҳарларида кейинчалик яшаган халқлар ҳам муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳларини сақлаб, аждодлардан авлодларга мерос қолдирганлар.